1-20697




# ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1997 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

23 май, № 21 (3406)


## МАРҲАБО, ФЕСТИВАЛ

Мустақиллик боис кўрк ва тароват касб этиб бораётган ватанимиз пойтахти кўплаб халқаро анжуманлар ўтказиладиган марказга айланиб бормоқда.

22 май куни Халқлар дўстлиги саройи республика жамоатчилиги вакиллари, маданият ва санъат намояндалари, кино мухлислари билан гавжум бўлди. Саройга Тошкентда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ҳам ташриф буюрдилар. Бу ерда XII Тошкент халқаро кинофестивалининг тантанали очилиш маросими бўлди. Шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов тантанали йиғилишни очар экан, ташкилий қўмита номидан фестивал иштирокчилари ва меҳмонларини Тошкент заминида муборакбод этди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг фестивал қатнашчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Уткир Раҳматов ўқиб эшиттирди. ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор табригини мазкур халқаро ташкилотнинг Ўзбекистондаги вакили Берри Лейн ўқиб берди.

...Йиғилганларнинг қизғин олқишлари остида анжуман байроғи кўтарилади. Муҳташам зал бўйлаб фестивал мадҳияси янграйди.

Машҳур адиб, мазкур киноанжуман танлов ҳайъати раиси Чингиз Айтматов йиғилганларни самимий қутлаб, ҳайъат аъзолари билан таништирди. Улар орасида жаҳоннинг турли мамлакатлари вакиллари — киноюлдузлар, режиссёрлар, мутахассислар бор.

Бу галги киноанжуман санъаткорларнинг чин маънодаги очиқ кўриги ва мусобақасидир. Шу боис, фестивал ғолиблари учун таъсис этилган салмоқли совринлар кеча қатнашчиларига намойиш этилди...

Тошкент кинофестивали «Умуминсоний қадриятлар ва миллий тараққиёт» шиори остида ўтаётганида теран рамзий маъно бор. Зеро, умуминсоний қадриятлар турли эл ва элатларнинг эзгу тилакларини, интилишларини ўзида мужассам этса, юксак миллий тараққиёт барча халқларнинг азалий орзусини ифодалайди. Фестивал дастури доирасида намойиш этиладиган филмларда бу ёрқин ҳақиқат яна бир карра намоён бўлса ажаб эмас. Шу маънода, Тошкент кинофестивалининг аҳамияти, унинг халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш борасидаги ўрни беқиёсдир. Фестивал филмлари кино мухлислари қалбида ўчмас таассурот қолдиради деб умид қиламиз.

Тошкент кинофестивалида жаҳоннинг 32 мамлакати ҳамда саккиз халқаро ташкилотдан кино ва санъат арбоблари, олим ва мутахассислар иштирок этмоқда. Нуфузли фестивал ҳайъати расмий танловга қўйилган филмларни Киночилар уйида кўрикдан ўтказиб баҳолайди. Фестивал кунлари «Кино бозори» ишлаб туради. Анжуманга тахт қилиб қўйилган пойтахтимиздаги олти кинотеатрда фестивал филмлари томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади.

Шуниси қувончлики, фестивал қатнашчилари мустақиллик йилларида Ўзбекистон эришган ютуқлар, меҳмондўст ва бағрикенг халқимиз билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар. Меҳнат жамоаларида, илм даргоҳларида, ижодий уюшмаларда кино юлдузлари, анжуман меҳмонлари билан учрашувлар бўлиб ўтади. Кино санъатини янада ривожлантириш борасида мутахассислар тажриба алмашадилар, бир-бирларининг эришган ютуқларидан баҳраманд бўладилар.

Фестивалнинг очилиш маросимида Ўзбекистон санъат усталари ва ижрочи ёшларининг катта концерти намойиш этилди.

Маросимда республика Бош вазири ўринбосари Алишер Азизхўжаев қатнашди.

**(ЎзА)**

## ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Муҳтарам кино санъати арбоблари!

Қадрли дўстлар!

Сизларни, турли қитъалар ва мамлакатлардан келган кино ижодкорларини, қадимий ўзбек заминида илм-маърифат, санъат ва маданиятга азал-азалдан эътиқоди баланд халқимиз ва шахсан ўз номимдан муборакбод этишдан ғоят мамнунман.

Тошкент киноанжуманининг «Умуминсоний қадриятлар ва миллий тараққиёт» шиори остида ўтиши бежиз эмас. Бу мустақил Ўзбекистон диёридаги кино байрамига янгича руҳ ва янгича мазмун бахш этиши шубҳасиздир.

Ўзаро ҳамжиҳатлик, тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик каби умумбашарий қадриятлар устивор бўлсагина, ҳар бир халқ, ҳар бир миллат фаровон яшаши, одил ва демократик жамият қуриши мумкин.

Тошкент киноанжумани инсонлар қалбига ёруғ орзулар бахш этишга, эрк, озодлик, тинчлик, ҳамжиҳатлик, дўстлик ва биродарлик ғояларини сингдиришга, мамлакатлар ва халқларнинг маданиятини ўзаро боғлашга, яқинлаштиришга, ер юзида ўзаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонаман.

Сизларни серқуёш Ўзбекистон тупроғида яна бир бор самимий қутлайман ва кинофестивалингиз ишига муваффақият тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



## КЎНГИЛЛИ БОШЛАНГАН ИЛК ТАШРИФ

Пойтахтимизнинг ҳар бир гўшасида фестивал нафаси уфуриб турибди. Айниқса, муҳташам «Ўзбекистон» меҳмонхонаси кеча-кундуз гавжум. Бу ерда ҳаммани: фестивал меҳмонларини ҳам, мезбонларни ҳам, журналистлару мухлисларни ҳам ҳаяжонли, серҳаракат ҳолатда учратасиз. Биз фотомухбирларимиз Содиқ Маҳкамов билан меҳмонхонанинг фойесига қадам қўйишимиз билан Япониядан ташриф буюрган санъаткорларга дуч келдик. Уларнинг юз-кўзларидан, хатти-ҳаракатларидан мамнунлик акс этиб турарди. Содиқ ака ўз одати бўйича дарҳол фотоаппаратини ишга туширди. Мен эса япониялик киноактёр Хироси АБЭни саволга тутдим.

— Аввало, менинг Ўзбекистонга илк бор келганимни ҳамда дастлабки ташрифим ниҳоятда кўнгилли бошланганини айтиб ўтишим керак. Чунки шаҳрингиз остонасидаёқ одамларнинг меҳмондўст қалб ҳароратини яққол ҳис қилдик. Очиғи, Япониядаги баланд-баланд бинолару, тиним билмас машиналар ҳаракатидан анчагина чарчаган эканман. Шаҳрингиздаги яшиллик, кенглик кўнглимни ғоят хушнуд этди. Атрофга назар солиб баҳри-дилим очилди.

Бу ерга биз учта филм олиб келдик. Шулардан мен «Шамол тўхтаганда» филмида асосий қаҳрамонлардан бири ролини ижро этганман. Ушбу фестивалдан яхши таассуротлар, дўстона танишувлар билан қайтаман, деган умиддаман.

Биз ҳам пойтахтимизда илк бор меҳмон бўлган япониялик актёрнинг умидлари рўёбга чиқишини чин дилдан тилаб қоламиз.

**Г. ФАЙЗИЕВА**

## ҚАРДОШЛИК — ШЕЪРИЯТ — РУҲИЙ БИРДАМЛИК

19 май санаси Марказий Осиё халқларининг мустақил маданияти тарихида янги саҳифа очди: Тошкентдаги «Туркистон» саройида Марказий Осиё халқлари шоирларининг катта мушоираси бўлди. Мушоира Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилди.

Анжуманни Ассамблея президенти Чингиз Айтматов очди. У ўзининг қизғин нутқида Ўзбекистон республикаси Президенти Ислом Каримов даъватига биноан туғилган «Туркистон — умумий уйимиз» ғоясининг моҳияти, ушбу ғоя туфайли Марказий Осиёнинг қон-қардош халқлари юракларида биродарлик ва бовурдошлик руҳининг юксалганлиги, қардош халқлар бирдамлигини янада мустаҳкамлашда шеъриятнинг беқиёс ўрни, аслида қардошлар шеъриятининг ўқ илдизи битталиги, бугунги шеърият туйғуларимиз, руҳларимизни уйғунлаштиришнинг энг муҳим ва энг самарали йўли бўла олишини, шеърий оҳанглар юракларни юракларга туташтириш қудратига қодирлиги, маънавий камолотда Марказий Осиё халқлари учун энг муҳими руҳий бирдамлик ва якдиллик эканлигини таъкидлади.



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов мустақиллик замонидан илгари бизни — уруғимиз битта бўлган қардош халқларни парчалаб ташлаш фалокатидан фақатгина шеърият, адабиёт сақлаб қолганлиги, бугунги мустақиллик кунларида адабиёт катта қадар-қимматга эга бўлаётганлиги, адабиётимизнинг куч-қудрати ҳақида жўшиб гапирди. Барчани қардошлик мушоираси — шеърият байрами билан муборакбод этди.

Мушоирада қозоқ шоирлари Мухтор Шаханов, Маъди Қайинбоев, Габиддин Қулаҳмедов, Сакен Иманасов, тожик шоирлари Асқар Ҳакимов, Али Бобожон, қирғиз шоирлари Анатой Умарканов, Соғин Ақмонбеғова, Салтанат Оразқулова, Отажон Қўжақулов, қорақалпоқ шоири Абулқосим Утапберганов, ўзбек шоирлари Жуманиёз Жабборов, Ойдин Ҳожиева, Абдували Қутбиддин, Иқбол Мирзо шеър ўқидилар. Ўқилган ҳар бир шеърга гулдурос қарсаклар уланди.

**Давоми учинчи бетда**

## ДАСТЛАБКИ КУН ҲАЯЖОНЛАРИ

Кеча, фестивалнинг дастлабки куни ғоят ҳаяжонли кечди. Чунки пойтахтимизга ташриф буюрган меҳмонлар, уларни кутиб олган мезбонлар ва кино мухлислари бир-бирлари билан дийдор кўришдилар. Дастлабки танишувлар, илк мулоқотлар бўлиб ўтди. Айниқса, эрталаб «Ўзбектуризм» компанияси биносида ўтган фестивалнинг биринчи матбуот конференцияси қизғин ўтди.

Матбуот маркази бошлиғи Аббосхон Усмоновнинг ахборотидан сўнг фестивал бош дирекцияси раҳбари Темурмалик Юнусов навбатдаги анжуманнинг ўзига хос янги шароитда иш бошлаётганлигини таъкидлаб, бу сафар унинг географияси бирмунча кенгайиб, филмлар ранг-баранглашганини айтди. Ушбу анжуманда Европа мамлакатларидан ҳам кўплаб киноижодкорлар қатнашмоқдалар. 80га яқин филм орасидан 14та киноасар кўрик-конкурсда кўрсатиш учун танлаб олинди. Бу асарлар Хитой, Қозоғистон, Грузия, Туркманистон, Эрон, Ҳиндистон, Малайзия, Жанубий Корея, Покистон, Туркия, Озарбойжон, Россия, Ўзбекистон каби мамлакатларда суратга олинган. Бизнинг республикамиздан «Ҳаммаёқ оппоқ қор билан қопланганди» ва «Амир Темур» филмлари намойиш этилади.

Фестивал ҳайъатини машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов бошқаради. Ҳайъат аъзолари орасида Владимир Меншов, Менико Окамото, Пьер Анри Салфатти, Меҳмет Тангрисевер, Се Фей ва Гулчеҳра Жамилова каби санъаткорлар бор. Шунингдек, информацион тарзда намойиш этиладиган филмлар орасида Япония, Италия, Греция, Америка, Франция, Англия каби кино санъати ривожланган мамлакатларнинг асарлари ҳам бўлиши мухлисларни хушнуд этади, деб ўйлаймиз.

Шундан сўнг ҳайъат раиси Чингиз Айтматов фестивалнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўзлади. Ушбу анжуманда қатнашиш ўзи учун катта шараф эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Машҳур ёзувчи Тошкент кинофестиваллари жаҳоннинг катта кинофорумлари сафига қўшилиш йўлидан дадил одимлаётганини мамнуният билан қайд этди. Ўзбекистон давлатининг шундай анжуманни ташкил этишининг ўзиёқ ҳозирги даврда ниҳоятда катта гап эканини алоҳида таъкидлади.

Фестивал ташкилий қўмитаси аъзолари ва бу ерга йиғилган мутахассислар конференцияга келган журналистларнинг барча саволларига батафсил жавоб бердилар.

Конференция тугагандан сўнг меҳмонлар, журналистлар, давлат ва жамоат арбоблари Алишер Навоий номидаги миллий боғга йўл олдилар. Бу ерда улар ўзбек халқининг буюк мутафаккири Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбар қўйдилар.

* * *

Тошкент кинофестивалига санъаткорлар, кино намояндалари билан бир қаторда, йирик кино ташкилотларининг раҳбарлари ҳам ташриф буюрдилар. Ана шулардан бири Жаҳон продюссерлари халқаро федерациясининг президенти жаноб БРЮССОНдир. Биз у кишидан қисқача интервью олишга муваффақ бўлдик.

**— Жаноб Брюссон, айтинг-чи, Тошкентга илгари ҳам келганмисиз?**

— Ҳа, бу пойтахтингизда иккинчи марта бўлишим. Дастлабки ташрифимга 25 йил бўлди. Ўшанда Тошкентдан ташқари Самарқанд, Хива, Бухоро каби қадимий шаҳарларингизни томоша қилгандим. Ҳозир эса дастлабки таассуротим шуки, шаҳар жуда ўзгарибди.

**— Мамлакатимиз филмлари ҳақида тасаввурингиз борми?**

— Биласизми, бир йилнинг ярим йилидан кўпини касбим тақозосига кўра чет элларда ўтказаман. Ниҳоятда кўп жойларни кўраману, лекин чуқурроқ танишиш имконияти кам бўлади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам сизнинг мамлакатингиз киноси ҳақида ҳали аниқ тасаввурим йўқ. Ўйлайманки, ушбу фестивал шу масалада менга анча ёрдам беради. Лекин, очиғини айтганда, мен билан яна бир ҳафтадан сўнг суҳбатлашганингизда жуда кўп гапларни айтган бўлардим. Чунки ҳали ҳеч нарсага улгурганим йўқ. Эҳтимол, фестивалнинг охирги кунлари учрашармиз, унгача хайр.

* * *

Ҳайъат аъзоси, машҳур ўзбек актрисаси Гулчеҳра ЖАМИЛОВАнинг қўли-қўлига тегмайди. Уни гоҳ япон киноижодкорлари, гоҳ ҳиндистонликлар доирасида учратасиз. Биз у киши билан ана шундай қизғин учрашувлар орасида икки оғиз суҳбатлашишга муяссар бўлдик.

**— Гулчеҳра опа, айтинг-чи, назаримда, илгари бундай катта анжуманлар ҳайъатида аъзо бўлмагансиз. Ҳаяжонланаётган бўлсангиз керак.**

— Тўғри, мен биринчи марта шундай катта киноанжуман ҳайъатида аъзо сифатида иштирок этяпман. Бу менинг зиммамга катта масъулият юклайди. Ҳаяжон ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Бизнинг ишимиз энди бошланди. Фестивалнинг охиригача ҳали обдон терлаймиз. Чунки катта кўрикларнинг сўнгги хулосасини чиқариш ниҳоятда мушкул кечишини яхши биласиз. Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос услуби, йўналиши бор. Ва ҳаммаси ҳам бу ерга яхши асарларини олиб келишган. Лекин қандай бўлмасин, ҳайъат аъзолари объектив бўлишга, ҳар бир филмни муносиб баҳолашга ҳаракат қиладилар.

**— Машаққатли ва масъулиятли ишларингизда омад тилаб қоламиз.**

Фестивалнинг дастлабки куни ана шундай кечди. Бугун эса эрта тонгдан яна қизғин иш куни бошланди. Фестивал қатнашчилари эрта тонгдан Темурийлар тарихи давлат музейида бўлдилар. Бундай ажойиб танишув ва учрашувлар ҳали бир ҳафта давом этади.

**Гулчеҳра УМАРОВА,**
**махсус мухбиримиз**







Махсус мухбиримиз Содиқ МАҲКАМОВ суратлари

## ТАДҚИҚОТ * АХБОРОТ

## ҲУСАЙН БОЙҚАРОНИНГ «ИНДИА ОФФИС»ДАГИ ДЕВОНИ

*• Уч темурий ҳукмрон —уч шеърий девон • Девонлар Ҳиндистонда кўчирилган • Ҳукмрон — ҳомий шоир • Тазкирада Девон таҳлили • Чала нашрлар • Галдаги вазифалар*

Лондондаги «Индиа Оффис» китоб хазинасида сақланувчи туркий қўлёзмалар билан танишиб чиққан америкалик олим Ян Экманн ўз тадқиқотларида XV-XVI асрларда яшаб ижод этган бир неча ўзбек шоири ҳақида муҳим маълумотларни келтиради.

Жумладан, хазинадаги қўлёзмалардан бирида уч темурий ижодкор: Султон Ҳусайн Бойқаро (Ҳусайний), Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Султон Масъуд Шоҳий девонлари ёнма-ён, бир муқовада китобат қилинганлиги айтиб ўтилган. Улуғ соҳибқирон қони ва руҳи бирлаштириб турган бу уч темурий ҳукмрон — уч соҳиби девон ижодкор шеърий меросининг бир муқовада китобат этилиб, бирлаштирилгани, бизнингча, асло оддий тасоддиф эмас. Чунки ҳаётда ҳам улар бир-бирлари билан жуда яқин қондош-жондош бўлганлар.

Бобурийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Ҳиндистоннинг «доруламон Баламкада» вилоятида «футувват денгизи гавҳари, шавкат нахлининг самари» Рожа Ачит Синг буюртмаси бўйича котиб Ҳаёт Али ҳар учала темурий девонини ҳижрий 1190 — милодий 1776 йили, аввалига алоҳида-алоҳида оққа кўчиради. Кейинчалик, эҳтимол, бу темурий ижодкорлар ҳаёти ва амалий фаолиятидан яхши хабардор бўлган фозил буюртмачининг илтимосига кўра, учала девон бир муқовада китобат қилиниб, бошдан-оёқ қайта рақамланган.

Яқинда таниқли тилшунос олим, филология фанлари доктори Э.Умаровнинг саъй-ҳаракати туфайли «Индиа Оффис» кутубхонасида сақланувчи ва ўзбек адабиёти тарихига тегишли бир қанча қўлёзмалардан нусхалар олинди. Жонкуяр олимнинг ташаббуси билан миллий классик адабиётимизнинг йирик намояндалари қаламига мансуб шеърий дурдоналар (саккиз шеърий турда, жамъи беш юзга яқин намуна) эндиликда адабиётсевар халқимизнинг муқаддас маънавий қадриятлари қаторидан фахрли ўринни олади. Дарвоқе, бу уч ижодкор девонларидан бири ҳақида ҳафталигимизда «Соҳиби девон темурийзода» номли мақола (1996, 9 май) эълон қилган эдик.

Бугунги мақолада эса, машҳур давлат арбоби, адабиёт ва санъат, касбу ҳунар ва илм-фаннинг жонкуяр ҳомийси, ўзбек тилининг давлат тили даражасида қарор топишида ўз амалий ва ташкилотчилик фаолияти билан катта хизмат кўрсатган Султон Ҳусайн Бойқаро (1438-1506) девонининг қўлёзмаси тўғрисида сўзламоқчимиз.

Таассуфки, Ҳусайний, Ҳусайн тахаллуслари билан қалам тебратган, ноёб истеъдод соҳиби сифатида Алишер Навоийнинг юксак баҳосига мушарраф бўлган Султон Ҳусайн Бойқаро ижодий фаолияти то ҳануз етарли ўрганилган эмас. У қолдирган адабий мероснинг нашр этилиши хусусида ҳам худди шундай ҳақиқатни айтиш мумкин. Ваҳоланки, Ҳусайний шеърият назарияси ва амалиётини мукаммал эгаллаган, девон тузиш даражасига кўтарилган шоир эканлигидан ташқари, ўз қошида, Навоий ибораси билан айтганда, «олий мажлис»лар қуриб, мунтазам равишда шеърият анжуманларини уюштириб турган ва шу тариқа ҳам давр адабий ҳаётининг чин маънода барқ уришига қулай замин яратган.

**Давоми учинчи бетда**

*Фозила СУЛАЙМОНОВА*

# ДАНТЕНИ УЙҒОТГАН ШАРҚ

## ИБН СИНО ВА ДАНТЕНИНГ «ЯНГИ ҲАЁТ» ТЎПЛАМИ

Маданиятлар тарихида мафкуравий ва адабий таъсирлар ҳеч вақт ўз-ўзидан амалга оша қолмайди. Бунинг учун жамият илғор маданиятни ўзлаштира оладиган даражада иқтисодий, ижтимоий, маданий томонлардан ривожланган бўлиши ҳамда ўзга халқлар илғор маданиятини ўзлаштиришга ўзида маънавий эҳтиёж сезмоғи керак. Шунга кўра Оврупонинг XII-XV асрлардаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти Шарқнинг илғор маданий таъсирини қабул қилишни тақозо этди. Асосий масала бу таъсирнинг миқёсини аниқлашда эмас, балки унинг ҳал этувчи йўналиши ва ички жиҳатларини очиб беришдадир.

XIII-XIV асрларда Италияда фаолият кўрсатган илғор фикрли кишилар Рим папасининг ҳукмронлигига қарши курашда мафкуравий восита сифатида фойдаланиш учун, исавия дини ақидаларига ёт бўлган, реалистик ва дунёвий ҳаётни тан олувчи мафкура намунасини изладилар. Ниҳоят, уни Шарқ илм-фани, фалсафаси — Хоразмий, Фарғоний, Форобий, ар-Розий, Ибн Сино, айниқса, испаниялик араб Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Аби Валид Ибн Рушд (1126-1298) асарлари ва умуман, Шарқ маданиятидан топдилар. Қадимги юнон фалсафасини ўзлаштириб, уни яна юқорироқ босқичга кўтарган шарқ олимлари, файласуфлари томонидан яратилган таълимот бир томондан Платон, Плотин ва мусулмон мутаассибларини танқид қилса, иккинчидан, Аристотел таъсиридан холи қилиб, материалистик қарашларини камолга етказди. Натижада, шарқ олимлари ривожлантирган фанларнинг ютуқларини илғор фалсафий қарашлар билан бойитган янги илмий дунёқараш вужудга келди. Шарқ файласуфлари таълимотига асосланиб ижод этган, аввал Шаргр, кейинча Париж университетларининг ўқувчиси Брабантлик Сигер уйғониш даври гуманизми, илмий дунёқараш пойдеворини яратди. XIII асрнинг охирги чорагида Сигер тарафдорлари Парижда тор-мор этилиб, олимнинг ўзи ўлдирилгач, лотин аверроэсчилар (Ибн Рушд тарафдорлари) маркази шимолий Италияга кўчади.

Бу даврда Италия ижтимоий-сиёсий ҳаётида мамлакатни Рим папаси ёки император идора этиши керакми, деган масала атрофида кескин кураш кетарди. Шундай бир вазиятда Сигер таълимоти ва унинг таъсири остида Шарқ файласуфлари, айниқса, Ибн Сино ва Ибн Рушд (Аверроэс) таълимотлари сиёсий кураш маркази бўлмиш Флоренцияда кенг тарқалди ва папачиларга қарши кураш қуроли вазифасини ўтади. Адабиётда бу фалсафий ғоя ижодкорлар фантазияси билан бойитилган ҳолда бадиий ғояга айланди. Агар сиёсий ҳаётда кураш папа ва император тарафдорлари ўртасида кечган бўлса, мафкуравий жабҳада Инсон, Аллоҳ моҳияти ҳамда инсон руҳи атрофидаги талқинларда рўй берди. Бу масала дастлаб прованс шеърияти ва Италиядаги «янги ёқимли услуб» вакиллари асарларида кўтарилди. Маълумки, инсон шахси, Инсон ва Аллоҳ, руҳ ва тана каби муаммолар асрлар давомида Шарқ фалсафасининг, адабиётининг марказида бўлган.

Ҳам дунёқараш, ҳам поэтик шакл борасида Шарқ маданиятининг буюк италян шоири Алигери Дантега таъсири кучли бўлган. Замонасининг илғор мутафаккирлари қатори Данте ҳам давлатни, фан ва адабиётни черков ҳукмронлигидан халос этиш учун курашда Шарқ олимлари таълимотига суянган. Аммо шоир илғор Шарқ файласуфларнинг пантеистик ёки деистик қарашлари даражасига кўтарила олмаган. Баъзи ўринларда Ибн Сино, Ибн Рушд, Сигер ғояларини исавия дини таълимотлари билан келиштиришга ҳам уринган. Лекин Дантени исавия дини ақидаларига тўлиқ хайрихоҳ деб ҳам бўлмайди.

Европа адабиёти тарихида биринчи бўлиб Данте Инсон масаласини, бош мавзу даражасига олиб чиқди ва ўрта аср мафкурасида ҳукмрон бўлган теоцентризм ўрнига антропоцентризм ғоясини олға сурди («Янги ҳаёт», «Илоҳий комедия»): ер куррасидаги ҳамма нарса инсон учун яратилган, инсонни Аллоҳ яратган, онг инсонга берилган, инсоннинг вазифаси хайрли ишларни қилиш, инсон Яратганнинг ердаги вакили каби фикрларни тарғиб этди. Инсоннинг улуғлигини тасдиқлаш билан шоир Уйғониш даври ва умуман, янги давр гуманизмига асос солди. Данте тушунчасида Инсон ва Борлиқ ҳам фоний, ҳам боқий, унда Аллоҳнинг зарраси мавжуд. Инсоннинг Худо жамолига эришуви черков, зоҳидона ақидаларга бўйсуниш орқали эмас, балки дунёвий ҳаётдаги яхши қилмишлари, адолат, саҳийлик, ҳалоллик, ватанпарварлик, жамиятга хизмат қилиш кабилар орқали рўй беради (Беатриче).

XIII аср иккинчи ярми ва XIV аср бошларида Марказий ва Шимолий Италия шаҳарлари лотин аверроизми, Болоня ва Тоскано эса миллий тилдаги шеъриятнинг марказига айланади. Бу даврда шаклланган шеърий мактаб «янги ёқимли услуб» («Дольче стиль нуво») деб номланиб, унинг асосчиси Дантенинг устози Гвидо Гвиницелли (1240-1276) эди. Бу оқим вакиллари ижодида шаҳар шароитида рицарларнинг эришиб бўлмас, илоҳийлаштирилган хонимга бўлган муҳаббати ўрнини жонли, ҳаётий муҳаббат, яъни сунъий муҳаббат ўрнини оддий инсоний туйғу эгаллайди.

Француз шарқшунос олими Л. Масиньон ҳақли равишда «Янги ёқимли услуб»нинг келиб чиқишини шарқ шеъриятига боғлайди: «Қофия Ғарбда тўлиқ равишда фақат «Янги ёқимли услуб»да намоён бўлди. Бу санъат XII асрда мусулмонлар билан алоқада бўлган минтақада... яъни Прованс, Каталония, Галитсия ва Италияда бирданига пайдо бўлди, бу фикр мутлақ исботланган. Шуниси ажойибки, бу санъат намоёндалари вазнга алоқадор ҳамма хусусиятларни бундан 150 йил аввал Кордова ва Гранадада кенг тарқалган мувашшаҳ деб аталган араб шеъридан олганлар» («Методы художественного выражения у мусульманских народов»).

Шарқ илм-фани, айниқса, фалсафаси, аверроэсчилар таълимоти адабиётга ҳам ўтади, «янги ёқимли услуб» доирасида илмий, фалсафий шеърият вужудга келади. Унда абстракт ғоя олий инсоний хусусиятларга эга бўлган маҳбуба образида тасвирланади, ишққа эса олий илоҳий мазмун берилади. Бу услубдаги асарларда бадиий фасоҳат тизими замоннинг илғор мафкуравий, фалсафий таълимоти билан уйғунлаштирилган. Бундай шеъриятнинг энг йирик намояндаси Гвидо Кавалканти (1259-1300) шеърларида ишқ олий инсоний фазилатлар манбаигина эмас, балки худди шу фазилатларнинг ўзгинаси сифатида куйланади.

Умуман олганда, прованс шеърияти ва унинг таъсирида шаклланган поэтик мактаб вакиллари ижодида маҳбубага бўлган муҳаббат ишқи илоҳийнинг бир кўриниши, дейиш мумкин. Ҳатто шоирлар гўзаллик Яратувчининг жамоли, Эзгуликнинг бир тимсоли, у фақат яхшилик келтиради, маъшуқа гўзаллигини куйлаш билан Аллоҳ жамолини куйлаш мумкин, деган фикрга ҳам келганлар (Исидор, Андрит Капеллан, Бонавентура ва бошқалар). Фикримча, бу ўринда уларга Ибн Синодан кўра тасаввуф таъсири кучлироқ бўлган.

### *Илм—ўзни билмакдир*

Инсоният маданияти тараққиётининг маҳсули бўлмиш буюк сўз усталарининг бири Алигери Дантедир. Унинг асли исми Дуранте Алигери бўлиб, Флоренцияда 1265 йил май ойида дунёга келган, диний мактаб ва Болоня университетларида таълим олган, умр бўйи фалсафа, мантиқ, ахлоқ, тарих, илоҳият ва турли халқлар адабиётини мустақил равишда ўрганган. Шоир замонасининг билимдон кишиларидан ҳисобланган.

Она шаҳрининг сиёсий ҳаётида иштирок этган Данте 1302 йили ғолиб чиққан Рим папаси тарафдорлари томонидан Флоренциядан сургун қилинади. Шоир ҳаётининг сўнгги 19 йилини сарсон-саргардонликда ўтказади. Данте 1321 йил 14 сентябрда Равеннада вафот этади.

«Янги ёқимли услуб»ни адабий мактаб даражасига кўтарган автобиографик, ишқий шеъриятнинг ажойиб намуналарини яратган шоир ёш Данте бўлди. Унинг бутун ижоди Беатриче исмли қиз билан боғлиқ. Беатриче шоирнинг отасига яқин одамнинг қизи бўлиб, тўққиз ёшида Данте саккиз яшар қизчани кўриб, бутун умр бўйи унинг мафтуни бўлади, қадимги юнонларнинг ишқ маъбуди Амурнинг (Дантеда Амор) бандисига айланади. Шоир Беатричени ҳаммаси бўлиб беш марта кўрган, холос. Дантенинг унга муҳаббати инсон ҳақидаги олий идеал билан боғлиқ бўлиб, унга уйланишни хаёлига ҳам келтирмайди. Беатриче бошқа одам билан турмуш қуради, фарзанд кўради, 1290 йили вафот этади. Шоирнинг Беатричега бўлган ишқи кейинчалик илоҳий мазмун касб этиб, Данте ижодининг ҳамма босқичларида энг олий инсоний идеал тимсоли сифатида талқин қилинади.

Дантега шуҳрат келтирган дастлабки асари 1291-1292 йиллари Беатричега бағишланган «Янги ҳаёт» шеърлар тўплами бўлиб, мажмуа насрий ҳикоялар билан боғланган 30 шеърдан иборат. Шеърларнинг дастлабкиси 1283 йили, қолганлари 1291 йилгача ёзилиб, тўпламда хронологик тартибда жойлаштирилган. Фақат фариштасимон Беатриче хотирасига муносиб бўлганлари «Янги ҳаёт»дан жой олган. Насрий қисмларда шеърларнинг яратилиш тарихи, талқини берилган, улар жонли, инсон руҳиятини очиб берувчи реал воқеалар асосида ёзилган.

Тўпламдаги дастлабки сонетларда ўрта асрлар адабиёти ва «янги ёқимли услуб»га хос шартлилик, аллегория, символика ҳамда устозлар таъсири ҳали кучлилиги сезилса, кейингиларида шоирнинг бу хусусиятлардан озод бўлиб, бутунлай мустақил услуб, содда поэтик ибораларни қўллаганини кузатамиз.

Тўққиз йил деганда шоир маҳбубасини кўчада қордек оппоқ либосда учратади, қиз шоирга салом беради. Беатричеининг таъзими ёш шоирни буткул мафтун этади. Шундан кейин у бир неча йилни шу учрашув таъсирида ўтказади.

XIII асрнинг 80-йилларида Италияда ишқ, унинг турлари, мазмуни ва моҳияти масалалари жамоатчилик диққат марказига кўчиб, баҳс, мунозаралар бўлиб турарди. Данте ҳам уларда иштирок этиб, «Ишқ ва ҳимматли, олижаноб қалблар монанддир...» сатри билан бошланувчи сонет ёзади. Ишқ муаммоси фақат прованс, Сицилия, кейинча Италия шоирларини қизиқтириб қолмаган, Шарқ файласуфлари Ибн Сино ва Ибн Рушд ҳам ўз вақтида бу борада фикрларини баён қилган эдилар.

Ибн Сино «Рисола фил-ишқ»да: «...ҳар бир қалб севишга интилади... ишқ, тананинг эмас, қалбнинг хусусияти», дейди. Ибн Рушд эса «ҳис этувчи қалб, яъни тананинг бир қисми ва унинг илоҳий ақлга алоқаси йўқ», деб устози фикрини рад этади. Италияда ишқ ҳақидаги баҳслар ҳар иккала файласуф фикрлари атрофида олиб борилган.

Данте бир сонетида «донишманднинг таълимотига биноан руҳий ҳаётда онгни қалбдан ажратиб бўлмайди, қалб табиати кулбани ишқ маъбуди тахтда ўтирган саройга айлантиради. «Ишқ инсон руҳи камолоти, илоҳий ақл билан боғлиқ» («Янги ҳаёт»), деб Ибн Сино таълимотига яқинлашади. Аммо Беатриче вафотидан кейин шоирнинг ишқ ҳақидаги фикрларида ўзгариш рўй беради.

«Янги ҳаёт»нинг биринчи қисмида Данте ошиқ шоир сифатида гавдаланади, лекин унинг ягона орзуси Беатричени кўриш, роҳат бағишловчи саломини эшитиш. Шоир маҳбубаси энг олий фазилатлар эгаси, иффатли инсон, қуёш атрофга нур сочгандек, у ҳам ўзидан муҳаббат, марҳамат, меҳр, шафқат, олий ахлоқ, одоб, умуман, Инсонга хос энг олий фазилатлар нурини таратади. Атрофдагилар ҳам бу олий фазилатлардан баҳраманд бўладилар, ёмон хусусиятларидан мусаффолашадилар:

**Гўзаллигини намоён этиб**
**кимнинг олдидан ўтса,**
**У одам покланади ёки**
**ҳаётдан кўз юмади.**
**Кимни у арзигулик деб**
**ҳурматласа,**
**Унга яқинлашса, уни бахт**
**саросимага солади,**
**Кимгаки хушмуомалалик**
**билан салом берса,**
**Унинг қалби покланиб,**
**ҳамма қайғуни эсдан**
**чиқаради.**
**Аллоҳ унга ҳукмдорлик**
**кучини берган:**
**Кимки бирор марта унинг**
**амрини бажарса,**
**Ёвузлик қурбони бўлиб**
**қолмайди.**

*(«Янги ҳаёт»дан бизнинг сўзма-сўз таржима — Ф. С.)*

Беатриче Аллоҳ яратган мўъжиза, унга яқин бўлишни орзу қилиш шаккоклик ва ғайритабиий орзудир. Дантенинг Беатричега бўлган муҳаббати Ибн Синонинг «Рисола фил-ишқ»ида берилган» илоҳий руҳга эга бўлган шахслар ишқи» тасвирининг айнан ўзидир. Олимнинг фикрича, бундай шахслар ўртасидаги ишқий муносабатда жисмоний яқинлик ҳақида сўз ҳам бўлмаслиги керак, «ошиқ тушунчасида ишқ манбаи илоҳият даражасига кўтарилади, Аллоҳнинг атрофидаги фаришталар қаторидан жой олади» («Рисола-фи-л-ишқ»). Бундай муҳаббатда қалблар яқинлашади, руҳий бирлашув юз беради; бу ҳақиқий ишқ, бошқачасининг эса ниҳояси бор. Ишқнинг Оврупо шеъриятида бундай талқин қилиниши ҳақида испан олими Менендес-Пидал шундай дейди: «Испан шеърияти ва унинг илдизларини англаб етишга антик дунёнинг шаҳвоний ишқига қарама-қарши бўлган шарқ халқларидаги олий ишқ тушунчаси ёрдам беради» («Арабская поэзия»). Л. Масиньон эса: «соф ғоя, қайғуга айланган ишқ фақат исломга хос хусусиятдир», дейди («Методы художественного выражения...»). Файласуфнинг фикрича, жисмоний ишқдан ҳам кечиб бўлмайди, чунки ишқнинг бу тури зурёд қолдириш учун зарур» («Рисола...»). Данте олимнинг шу фикрига амал қилади.

Шарқнинг буюк мутафаккири билан Оврупонинг буюк шоирининг ишқ концепциясига муносабатлари, улар яшаган даврлар орасида уч аср бўлса-да бир-бирига яқин. Чунки Шарқда маънавият тараққиёти Ғарбга нисбатан бир неча асрга ўзиб кетган ва Ибн Сино даврида Шарқда чиққан проблемалар Оврупонинг илғор мамлакати бўлмиш Италияда Данте даврида майдонга келган эди. Ҳам Ибн Сино, ҳам Дантенинг фикрича, биринчидан, ишқ ахлоқ доирасидаги тушунча; иккинчидан, ишқ олий ҳимматлилик, олийжаноблик манбаи; учинчидан, у ошиқни фаоллаштиради; тўртинчидан, ишқ шундай кучки, ошиқни осмони фалакка, мутлоқ гўзаллик, ёруғлик, эзгулик тимсоли бўлмиш Яратувчига интилтиради. Шунинг билан бирга уларнинг қарашлари даво, ижтимоий тараққиёт, эътиқод ва шахсий хусусиятларига кўра фарқланади ҳам.

Ибн Сино рисоланинг бешинчи «Назокат ва ёшлик эгаларининг гўзал қиёфаларига бўлган ишқи» деб номланган бобида: «Гўзал қиёфа фақат табиатдан инъом этилган яхши мазмундагина бўлади ва ёқимли қиёфа ва яхши инсоний хусусият камолот уйғунлигини яратади», дейди. Ҳақиқатан, Данте Беатричени айни Ибн Сино айтган ана шу хусусиятларга биноан севган. Агар ҳусн ва олий даражадаги инсоний хусусиятлар бир-биридан ажралмас субстанциялар эканлиги Шарқда аллақачонлар эътироф этилган бўлса («Ҳусн-у-дил» достони) Оврупода фақат Данте ижодида ўз ечимини топди. Бу масалада файласуф умуман инсон, ошиқ ва маҳбуба ҳақида фикр юритса, ундан уч аср кейин яшаган мутафаккир шоир конкрет шахслар, ошиқ Данте ва маҳбубаси Беатриче ҳақида сўз юритади.

Беатриче навқирон 24 ёшида дунёдан кўз юмади. Бу воқеа Данте учун беқиёс зарба бўлди. Ёруғ дунё, ҳаёт кўзига кўринмайди, ўлимни орзу қилади. «Кўз ёшим бир оз тингандек бўлганда ўз ҳолатимни баён қилмоқчи бўлдим» деб, «қалбимга ачина-ачина кўзим ҳолдан тойди» сатри билан бошланувчи учинчи канцонасини ёзади. Бу шеър инсон қайғу аламининг ўта самимий изҳори — ажойиб асаридир. Ўрта асрлар адабиётида ҳис-туйғуни бунчалик чуқур, жонли ифодаловчи бунга тенг бошқа бир асар йўқ. Шоир маҳбубаси вафотига мистик маъно бериб, Беатриче учун бу дунё арзимайди, «Яратгувчи бундай ажойиб инсонни ўз ҳузури, Арши аълога олиб кетди», «усиз жаннат ҳувиллаб турган эди», деб ўзига далда беради.

Тўплам охирида шоир «Мен у бека ҳақида ҳали ҳеч ким бирор аёл ҳақида айтмаган сўзларни айтайки», деб Беатричега арзигулик буюк асар яратишни сўзлайди. Бу асар, албатта, «Илоҳий комедия» эди. Лекин бунинг учун шоир ҳали кўп билим орттириши зарурлигини билади ва ҳақиқатан, илмнинг турли соҳаларини мустақил ўзлаштиришга киришади.

* * *

Шарқ маданияти, илм-фани ва адабиётининг Оврупага таъсири масаласи жуда катта илмий проблемадир. Афсуски, жаҳон фанида ҳали бу муаммо талаб даражасида қўйилмади ва ўрганилмади. Фақат айрим масалалар ҳақида илмий мақолалар ёзилган, холос. Ваҳоланки, ҳозирги илм-фан, фалсафа, адабиётнинг турли соҳаларининг пойдеворини минтақамиздан чиққан буюк аждодларимиз яратганлар. Халқимизнинг умуминсоний цивилизацияга қўшган ҳиссасини ўрганиб, холис ёритиш давримизнинг долзарб масаласидир.

Биз ушбу мақолада ўрта аср италян шоири Данте дунёқараши ва шеъриятига Ибн Синонинг таъсири масаласининг бир қисминигина ёритдик. Оврупалик адабиётшунослар Шарқ шеъриятининг Оврупо шеъриятига таъсирини ҳалигача тан олмай, масалага жиззакилик билан ёндашадилар. Бу масала яқинда «Ўзбекистон» нашриётида босмадан чиқиши мўлжалланаётган монографиямизда кенгроқ ёритилган.

# ҲАРОМДАН ҲАЗАР

— Уғилчангиз опоқ бўлиб қолди, шекилли, синглим. Бугун кетаркансизлар-да, — деди шифохонанинг «эшик оға»си.

— Шукур, амаки, ўғлим соғайди, — дедим мен миннатдорчилик билдириб. — Энди уйга қайтар бўлдик. Ҳаммаларингизга раҳмат.

— Арзимайди, жиян. Лекин шу... — «Эшик оға» бир чайналди. — Кетар маҳалингиз палатадан чиқмай туриб мени чақиринг.

— Нега?



— Нима десам экан... Палатангиздаги лампочкани мен олай. Санитарка илиб кетмасин, ўзингиз тушунасиз... Ишқилиб, анча кун хизматларингда бўлдим. Келган-кетган қариндошларингизга дарров чақириб бериб дегандай...

Бу гапни эшитиб, ҳанг-манг бўлиб қолдим. Беихтиёр, ўғилчам оғриб касалхонага ётқизилган кунни эсладим.

— Анча ўтказиб юборибсизлар, — деганди ўшанда врач. — Сариқ — хавфли касаллик. Сизларга алоҳида жой қилиб берамиз. Бола уч-тўрт кун мутлақо қимирламай ётиши, сиз уни парвариш қилишингиз лозим бўлади.

Дарду дунём қоронғу бўлиб, ажратилган палатага кирдик. Боламни ётқизгач, зарур нарсаларни олиб келиш учун уйга жўнадим. Қайтганимда шом тушган, атроф қоронғу эди. Бизнинг палатанинг деразаси ёруғ кўринмагач, минг бир хаёллар оғушида жон ҳолатда иккинчи қаватга кўтарилдим. Не кўз билан кўрайки, қоронғуда қолган болам қўрқибми, касаллик таъсириданми, йиғлаб ётарди. Тўғри, ҳамшира кириб юпатибди, лекин қоронғуда бирор муолажа қилишнинг имкони бўлмабди. Мен эса...

Палатада чироқ йўқлигини боя пайқамаган эканман. Турмуш ўртоғим уйдан лампочка олиб келиш учун ортига қайтди. У қайтгунча анча қийналдик. Боламнинг кўзлари, назаримда, баттар сарғайиб кетгандай эди. Қўшни палатадагилардан шам олиб ёқдим. (Афтидан, улар ҳам дастлаб менинг ҳолимга тушган бўлсалар керак, шам сақлаб қўйишган экан).

— Амаки, — дедим ўша кунги воқеаларни эслаб, — биздан кейин келадиган бемор қийналиб юрадими? Менимча, лампочка жойида қолгани маъқул.

— Барибир буни бошқа юлғич олади. Янгисини келадиган одамнинг ўзи олиб келади. Шунинг учун мен ола қолай девдим-да.

Ёпирай, кимнидир (айниқса, беморни) қийин ҳолга солиб олинган шу кичик матоҳ билан наҳотки, кўнгил осойиш топса. Яна у бировнинг ҳақи бўлса... Кўнгилни, имонни қашшоқлатиб, уйни, қўлни бойитиш қанақа бўлади? Бунинг сабаби аслида иймон кемтиклиги эмасми?!

Мен аниқ биламан, шу «эшик оға» ҳам, «санитарка» аёллар ҳам меҳнаткаш кишилар. Улар бировнинг деворидан ошиб тушадиган ўғри эмаслар. Тинмай меҳнат қилишади. Экишади, тикишади, ишхонада ишлашади. Аммо баъзан тушунибми-тушунмайми, рўзғорига аралаштирган ҳаром луқма туфайли уйидан баракани қочиради. Ҳарқалай, раҳматли бобом мана бу гапни бекорга кўп такрорламасди: «Бойлик иймон кемтиклиги билан муроса қилолмайди. Ҳаром луқма ҳалол ошни ҳам булғайди. Биримиз икки бўлмайди. Биз эса буни «замонанинг зайли»га йўямиз. Кимлардандир хафа бўламиз. Қайсидир раҳбардан ёзғирамиз».

Мен яшайдиган маҳаллада жамоа хўжалигининг чорва фермаси жойлашган. У шундоққина хонадонларга туташиб кетган. Ундан айримлар туни билан девор ошиб ем-хашак ташмалайди. Сал эътироз билдирсангиз, «Бир кўтарим ем ёки ўт билан колхоз фермаси камбағал бўлиб қолармиди?» дейишади. Айни чоғда ўз қилмишларини ўғрилик ҳисоблашмайди. Шунчаки озгина ем-хашак олиш деб баҳолашади. Шу тариқа уйларидаги молни семиртиришади, катта пулга сотишади. Аммо кейин албатта нимадир бўлади. Бировнинг бузоғи қўққисдан ҳаром ўлади, бошқасининг ўғли қиморда ютқазиб қўяди ёки машинасини қайгадир уриб олади.

Хуллас, ҳаром барибир буюрмайди. Камбағаллик нари кетавермайди, бойлик келавермайди. Биз эса буни омадсизликка йўямиз. Машаққатли меҳнатимиз орқали уйимизга кирган даромадни арзимас ҳаром луқма билан ўзимиз барбод қилганимизни билмаймиз.

Ота-боболаримиздан қолган ривоятларда бировнинг ҳақидан ҳазар қилган, ҳалолликка ҳамиша риоя этганлар обрў-эътиборга, руҳан ва жисман бадавлатликка эришганликлари ҳақида кўп ўқиганмиз, эшитганмиз. Шоҳ Машрабнинг буюклиги, Ҳақ олдида ҳам, халқ олдида ҳам муҳаббатга моликлиги аслида шу фазилати туфайли эмасми?! Унинг ҳали туғилмай турибоқ бозордаги узумдан тотиб кўрган онасига «Бировнинг ҳақидан ҳазар қилинг», деб тилга киргани, шу боис туғилганида исмини Машраб қўйишганини биламиз-ку. Ёки ҳовлисидан ўтадиган ариқда оқиб келган чиройли олмани беихтиёр бир тишлаб еб қўйиб, у бировникидан оқиб келгани эсига тушгач, эгасини топиб, ундан олма учун ҳақ олишини илтимос қилган йигитнинг ҳалоллиги, поклиги, иймон бутлиги ҳақидаги ривоятни ким ишлатмаган? Шу олмани эгаси йигитни ўзига куёв қилганидан ким ҳайратга тушмаган? Қизнинг отаси ўша йигитга бутун бойлигини, жондан азиз қизини ҳалоллиги учун илинмаганми?

Биз эса шифохона палатасидан олинган чироққа ҳам, бир кўтарим ўтга ҳам, тарозидан уриб қолган уну гуручга ҳам майда нарса деб қарашга ўрганиб қолдик. Ҳолбуки, ҳаромнинг, хиёнатнинг катта-кичиги бўлмайди. Гуноҳкор бўлиш, қашшоқликни, руҳий нопокликни чорлаш учун бировнинг уйини ўмариш, қотиллик қилиш шарт эмас шекилли. Биз ҳар лаҳза, ҳар луқма билан имонни кемтиклаштиришимиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Сарёғга маргарин, сутга сув қўшиб, бир кило ҳайвон ёғига тенг баробарида туз босиб бой бўлолмаймиз. Бой бўлганган ўхшасак ҳам, руҳан қашшоқлигимизча қолаверамиз. Боболаримиз ўзларини саёз ўй-фикрлардан, ноҳалол нафсдан тия олганлар. Ичларига кирган шайтоний кучни енга олганлар.

Ҳукуматимизнинг маънавиятни юксалтириш ҳақидаги катта ишлари бу борада айни муддао. Биз кимлигимизни, аждодларимизнинг кечмишларини, миллий ақидаларимизни қанча билсак, бугунги муаммоларимизни шунча теран англаймиз. Ахир маънавият дегани, соддароқ қилиб айтсак, бамаънилик дегани-ку. Бамаъни бўлмоқ эса ҳалол, пок, садоқатли, кечиримли, қаноатли, меҳнаткаш бўлмоқдир. Демак, биз ўзимизни ўзимиз енгиб, бой иймон, бой руҳият билан яшашга қудрат топишимиз шарт.

**З. РОЗИЕВА**

# ТАДБИРКОР ҚУРГАН ФАБРИКА

Наманган шаҳри «Дўстлик» шоҳ кўчасидаги чорраҳадан Ахсикентга кетаверишда йўл четида тўхтаб турган «Москвич» ҳайдовчисидан сўрадик:

—«Абдусалом» хусусий фирмаси қаердалигини билмайсизми?

— Билганда қандоқ. Ҳозир айни ўша ерга кетаяпман. Утиринг машинага!

Қирқ ёшлар чамасидаги дилкаш бу киши билан йўл-йўлакай гаплашиб кетдик. Маълум бўлишича, у «Абдусалом» фирмасининг бошлиғи Абдулҳаким Қодировнинг синфдош дўсти экан. Узини Баҳодиржон Абдуллаев деб таништирди.

— Абдулҳаким бутун бошли фабрика қурди, — деди йўлда у дўсти ҳақида. — Ниҳоятда тадбиркор йигит. Узим ҳам «Шербулоқ» жамоа хўжалигида «Хусайни» номли деҳқон-фермер хўжалиги ташкил қилганман. Тадбиркорлик борасида дўстим билан доимо алоқадамиз. Абдулҳаким топган тутганини ана шу фабрикага сарфлади. Ҳозир бориб ўзингиз кўрасиз.

Манзилга етгач, унинг гапи ростлигига ишондик. Адирлар орасида қад ростлаган, чамаси 40 сотих майдонни эгаллаган 3 қаватли ҳашаматли бино ҳар қандай кишини ўзига жалб этади. Бино шундай архитектураки, унда замонавий архитектура миллий меъморчилик анъаналари билан уйғунлашиб кетган. Абдулҳаким ака билан танишдик. Унинг айтишича, биноларнинг ярмидан кўпини тикувчилик цехлари эгаллайди.

Қолгани эса қандолатчилик, косиблик ва бошқа цехлар учун мўлжалланган. Иккита цех замонавий тикув машиналари билан тўла жиҳозланиб, маҳсулот чиқара бошлади. 20 дан ортиқ чеварларнинг қўли қўлига тегмайди. Яқин кунлар ичида чеварлар сони юздан ортади.

Алоҳида бичув цехи ҳам ташкил қилинган. Ҳадемай цехлар сони 8тага етади. Корхонага 3 йил иш стажига эга бўлган малакали чеварлар қабул қилинмоқда. Келгуси йил охирларига бориб бу ерда 800 нафар киши иш билан таъминланади.

—Ишчилар учун барча шароит яратилган,—дейди фирма раҳбари. — Уларнинг келиб-кетишлари учун алоҳида автобус ажратганмиз.

Корхонада чиқинди матолардан унумли фойдаланиш ниятида сунъий гул тайёрлаш ҳамда қуён терисидан телпак тикиш цехлари ҳам иш бошлаган. Илк маҳсулотлар сотувга тайёрланмоқда.

**Ҳ.СОДИҚ**

**Суратларда: «Абдусалом» фирмаси ҳаётидан лавҳалар.**
**Т.МАҲКАМ суратлари**



## ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

Яқинда Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетида «Гулистон» журнали жамоасининг талабалар билан учрашуви бўлди. Учрашувда журнал бош муҳаррири Т. Маҳмудов таҳририятнинг мақсади ва режалари ҳақида сўзлаб берди. Шунингдек, шоирлар Асқар Маҳкам ва Абдулла Шер ўз ижодларидан намуналар ўқидилар.

Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нуриддин Ҳайдаров ўзларининг дилрабо қўшиқлари билан учрашувга файз бағишладилар.

**М. НАБИЕВА**

## ШОИР ШАРАФИГА

Яқинда Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги нафис санъат лицейида шу ўқув масканининг маънавият-маърифат ўқув режаси бўйича Ўзбекистон халқ артисти, давлат мукофоти совриндори Рихси Иброҳимова ва Ҳамза театрининг истеъдодли актрисаси Раъно Ярашева билан учрашув бўлди. Бу тадбир машҳур шоиримиз Чўлпоннинг юз йиллигига бағишланган бўлиб, санъаткорлар «Ёрқиной» асаридан парчалар ижро этишди. Санъаткорлар лицей ўқувчиларининг саволларига жавоб бердилар. Бундай учрашувлар ўқувчиларнинг дарс жараёнида олган билимларини мустаҳкамлаши тайин.

